

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ
БИЛАН МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЎРНАТИЛИШИ
ТАРИХШУНОСЛИГИ**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-55>

**Элмуратова Шоҳиста,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислари
институти ўқитувчиси**

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига қадам ташлаганига кўп вақт бўлмасада, жаҳон миқёсида ўз нуфузга эга бўлишида, ташқи сиёсатда ҳар томонлама алоқаларда улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ёш мустақил республика бўлиб бирор бир йирик давлатнинг таъсир доирасида қолмади. Ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаб, икки томонлама алоқалар, тенгшерикчилик йўлидан борди. Халқаро миқёсда мафкуравий, сиёсий таҳдидлар хавф солиб турган даврда мамлакатимизда олиб борилган тўғри сиёсий йўл Ўзбекистонни дунёда суверенлигини таъминлаб келмоқда. Мазкур мақола инфор­мацион таҳлилий характерга эга.

Калит сўзлар: янги модел, ижтимоий-сиёсий, этнограф, маданий алоқалар.

**ИСТОРИОГРАФИЯ УСТАНОВЛЕНИЯ КУЛЬТУРНОЙ
КОММУНИКАЦИИ С ЕВРОПЕЙСКИМИ СТРАНАМИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**Элмуратова Шахиста,
преподаватель Ташкентский институт инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства**

АННОТАЦИЯ

Несмотря на то, что наша страна уже долгое время находится на пути независимого развития, многое было сделано для ее влияния на международной арене и во всех аспектах внешней политики. Узбекистан был молодой независимой республикой и оставался под влиянием любого крупного государства. Определив свой путь развития, он пошел по пути равенства. На международном уровне идеологические и политические угрозы, правильный политический путь в нашей стране обеспечил суверенитет Узбекистана в мире. Эта статья носит информативный аналитический характер.

Ключевые слова: новая модель, социальные, этнографические, культурные отношения.

**HISTORIOGRAPHY OF CULTURAL COMMUNICATION SETTING
WITH EUROPEAN COUNTRIES REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Elmuratova Shahista,
Lecturer Tashkent Institute of Engineersirrigation and agricultural mechanization**

ANNOTATION


Despite the fact that our country has long been on the path of independent development, much has been done to influence it in the international arena and in all aspects of foreign policy. Uzbekistan was a young independent republic and remained under the influence of any large state. Having determined his path of development, he took the road of equality. At the international level, ideological and political threats, the correct political path in our country has ensured the sovereignty of Uzbekistan in the world. This article is informative and analytical.

Key words: new model, social, ethnographic, cultural relations.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ташқи фаолият доирасидаги давлат сиёсати, халқаро маданий алоқаларнинг янги моделини шакллантиришда ва хорижий мамлакатлар билан маданий алоқаларни янада ривожлантиришда Европа давлатлари билан ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Франция, Шведцария, Белгия давлатларининг сиёсий тузуми, эътиқоди ва миллий таркибининг турли-туманлиги, Ўзбекистон Республикасининг ушбу мамлакатлар билан олиб бораётган маданий алоқалар тарихини тадқиқ этиш улар ўртасидаги муносабатларни таққослаш ва ўзига хос хусусиятларни очиб бериш имкониятини беради.

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари масалалари, жумладан, Европа давлатлар билан маданий алоқаларнинг тарихшунослиги, ижтимоий-сиёсий муҳим бир тармоқ сифатида доимий равишда тарихчи, сиёсатшунос, этнограф ва бошқа жамиятшунос олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Мавзуга оид адабиётларни тарихшуносликнинг янгича концептуал-методологик талаблари асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик йилларида бир гуруҳ сиёсатчи, иқтисодчи ва тарихчи олимлар томонидан халқаро алоқаларга оид адабиётларда мустақиллик йилларида миллий тарихшуносликнинг янги методологик тамойилларига суянган ҳолда ташқи фаолиятдаги турли босқич ва йўналишларни қамраб олиб, эски ақидалардан халос бўлишга интилаётганлиги билан ажралиб туради. Хусусан, С.Ш.Шарапова, З.Э.Нуриддинов, Х.Г.Ғуломов, А.Г.Холлиев, Ў.Мавлонов ва Д.Маҳкамова, А.Қирғизбоев, Д.Азимова, С.Усмонов, М.Алимбаев, У.Саидов монографиялари [1] ва С.А.Пўлатова, С.Ш.Шарапова, Р.Т.Жураев, А.Г.Холлиев, Э.З.Нуриддинов, Сун Дон Ги, Н.Зиямов, И.Неъматов, Д.Д.Курбанов, Д.А.Маҳкамова, Д.Мишарев, А.Султанов [2] ларнинг докторлик ва номзодлик диссертацияларида кенг қамровли фактик материалларни тадқиқ этиш орқали ўзбек давлатининг ташқи сиёсати ва хорижий давлатлар билан алоқаларининг ўзаро манфаатли ҳамкорликлари ҳар томонлама ёритиб берилган. Республиканинг янги кўринишдаги халқаро фаолиятининг шаклланиши ва амалга ошириши батафсил таҳлил этилган, унинг жаҳон ҳамжамиятига хос бўлган халқаро ҳаётнинг барча соҳаларида тўлақонли иштирок этиш жараёнлари очиб берилган.




Масалан, С.Ш.Шарапова Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг турли жиҳатлари: ижтимоий ва сиёсий хусусиятлари, ижтимоий-сиёсий ва маданий шакллари ҳамда ташқи сиёсатдаги миллий, ҳудудий, глобал қизиқишларини “Внешняя политика Республики Узбекистан: культурно-исторический и социальный факторы” номли асарида ва тадқиқотларида кенг қамровли ёритиб берган [3].

Ушбу йўналишдаги ишлар ичида Э.Нуриддиновнинг «Ўзбекистон Республикасининг Европа мамлакатлари билан халқаро ҳамкорликлари» номли монографиясини алоҳида таъкидлаш жоиздир [4]. Ушбу монографияда жуда кенг қамровли фактик материалларни тадқиқ этиш орқали ўзбек давлатининг Европа мамлакатлари ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий бўғинлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликлари ҳар томонлама ёритиб берилган, республикамизнинг янги типдаги халқаро фаолиятининг шаклланиш ва амалга оширилиши батафсил таҳлил этилган, унинг жаҳон ҳамжамиятига хос бўлган халқаро ҳаётнинг барча соҳаларида тўлақонли иштирок этиш жараёнлари очиб берилган.

Улар Ўзбекистон Республикасининг Европанинг турли мамлакатлари билан муносабатларни ўзига хос йўллари қиёсий таққослаш ва тегишли ҳулосалар чиқариш имконини беради [5]. Бундан ташқари, А.Г.Холлиев тадқиқотлари [6] Ўзбекистоннинг Буюк Британия ва АҚШ билан илмий-техникавий, маданий алоқаларини, Д.Мишарев мамлакатнинг Германия билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларини [7], А.Султанов Ўзбекистоннинг Австрия, Германия ва Швейцария билан гуманитар соҳаларда: соғлиқни сақлаш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, илмий ҳамкорлик муносабатларига тўхталиб ўтган [8].


Шу билан бирга ўтган йиллар давомида мамлакатнинг халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлиги доирасидаги алоқаларига бағишланган бир қанча асарлар яратилган бўлиб, улар халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва тарихий жиҳатларини батафсил ёритиб берганлар. Хусусан, М.А.Раҳимов Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари билан [9], Л.С.Худойкулова Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқаларини [10], Р.Т.Ҳақимов Ўзбекистон ва БМТ муносабатларини [11], А.Мўминов Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро ҳуқуқий муносабатларини [12], С.Ш.Шарапова БМТ, МДҲ, ШХТ, Евросиё Ҳамкорлик ташкилоти, ЕХХТ ва ЭКО доирасидаги фаолиятини алоҳида таҳлил қилган [13]. Кўрсатиб ўтилган тадқиқотларда Ўзбекистоннинг Европа давлатлари билан маданий алоқалари тарихи алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида олинмаган бўлса-да, давлатнинг ташқи сиёсати, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан муносабатларига доир қимматли фактлар берилган. Бироқ, маданий ҳамкорлик масалаларига қисман тўхталиб ўтилан бўлиб, маданий алоқалар тарихи ва ҳозирги замон маданий муносабатларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Халқаро маданий алоқаларни алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганган тадқиқотлар сирасига Ў.Мавлонов ва Д.Маҳкамова, Л.Бабаходжаева, У.Саидовларининг илмий ишларини киритиш мумкин. Д.Маҳкамова Ўзбекистоннинг қадимий халқаро маданий алоқалар тизимидаги фаолияти, турли давлардаги ўзига



хос йўналишларини ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидаги давлатлараро ҳамкорлик ва маданий алоқаларини таҳлил қилган. Л.Бабаходжаева халқаро маданий алоқаларнинг ўрнатилиши ва унинг асослари, Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё, Россия, Европа, Яқин Шарқ давлатлари, тасвирий, амалий-безак, театр, кино санъати соҳасидаги алоқалари ҳамда ўзбек халқининг маданий бойликларини сақлаш ва оммалаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини таҳлил қилган. Ушбу тадқиқот иши мустақил Ўзбекистоннинг маданий алоқалари умумлаштирилган илк изланишлардан бири бўлиб, маданий алоқалар борасида қимматли маълумотлар беради. У.Саидов эса маданий глобаллашув муаммолари, давлатнинг маданиятлараро мулоқот соҳасидаги давлат сиёсати ва ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги фаолияти масалаларига эътибор қаратган. Тадқиқотлар ичида ўрганилаётган мавзу доирасидаги амалга оширилган ишларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Ф.Қосимов Бухоро ва Париж ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустақилликкача ва ундан кейинги олти йил давомида амалга оширилган алоқалари ҳақида, Ё.Худойбергандов, З.Хўжаева Амир Темур ва ўзбек – француз алоқалари шаклланиши, Европа минтақасида темуршуносик билимлари шаклланиши тарихини, Қ.Турсунов Ўзбекистон ва Франция давлатчилигининг қиёсий таҳлили ва ўзаро алоқалари ҳақида қимматли маълумотлар берган [14].

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини дунёнинг барча давлатлари қатори Европа давлатлари мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб тан ола бошлади. Мамлакатнинг давлат мустақиллигини ушбу давлатлар ўртасида биринчи бўлиб Шведцария Конфедерацияси 1991 йил 23 декабрда, Белгия Қироллиги 1991 йил 31 декабрда, Франция Республикаси 1992 йил 23 январда тан олди ва дипломатик алоқалар биринчи булиб Франция Республикаси билан 1 мартда, Белгия Қироллиги билан 10 мартда, Шведцария Конфедерацияси билан 1992 йил 7 майдан бошлаб ўрнатилди.

Дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши билан Ўзбекистон Республикасининг Франция[15], Шведцария[16], Белгия[17] давлатлари билан муносабатларининг ҳуқуқий асослари яратилди ва имзоланган бу расмий ҳужжатлар давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилди. Ушбу шартномалар орасида маданий алоқаларнинг ривожланишига Франция билан имзоланган “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Франция ҳукумати ўртасида маданий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида”ги битим, Шведцария билан “Техник ва молиявий ҳамкорлик ва ижтимоий ёрдам тўғрисида”ги, Белгия билан “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Белгия Қироллиги ўртасида муносабатларнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги Протокол алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Франция ҳукумати ўртасида маданий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида Битимда “ҳар бир томон ўз ҳудудида бошқа давлат маданиятидан эркин фойдаланишни кафолатлайди ва ўз жамоатини бошқа томоннинг маданий бойликлари ва бу соҳадаги ютуқлари билан бевосита таништиришга интиладилар. Томонлар амалдаги ёки ўз давлатлари ҳудудида очилиши мумкин бўлган маданият ташкилотлари фаолиятини рағбатлантирадилар ва вазифаларининг бажарилишини осонлаштириши



мумкин ва бор чораларни ўз қонунлари доирасида қабул қиладилар. Ҳар бир аҳдлашувчи томон ўз ҳудудида бошқа томон маданиятининг тарқатилишига, бошқа томоннинг интеллектуал ва санъат дунёсининг арбоблари, шунингдек, рассомлар, ҳайкалтарошлар, архитекторлар, режиссёрлар, композиторлар, музей ходимлари, ёзувчилар, кутубхоначиларни ҳамда олий санъат билим юртларига ёш ижрочиларни ўқув стажировкаларига ва ёш маданият ходимларини маданият институтларда тайёрлаш учун таклиф қилиш йўли билан, турли ҳужжатлар ва маълумотлар алмашиш йўли билан кўмаклашадилар. Томонлар маданий мерос ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш соҳасида маъмурий, ҳуқуқий ва техникавий ҳамкорликка кўмаклашадилар...” деб белгилаб қўйилди [18].

1993 йилдан бошлаб Брюсселда Ўзбекистон элчихонаси фаолият кўрсатмоқда. 1993 йил майдан бошлаб Шведцария Конфедерацияси элчихонаси Тошкентда фаолият юрита бошлади.


Элчихоналарнинг очилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб, уларни ривожлантириш йўлларида кенг фойдаланиш имкониятини берди.

Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ҳозирги кунда Франциянинг илмий тадқиқотлар Миллий маркази, Халқаро муносабатлар Француз институти, Халқаро муносабатлар ва стратегия Француз институти, “Франция-Европа-Осиё” институти, Дипломатик ва стратегик тадқиқотлар институти, Франция геополитика институти, Қуролли кучлар тадқиқотлар олий маркази, Миллий маъмурият мактаби, Франция Фанлар академияси, Халқаро тадқиқотлар Олий мактаби ва Сиёсий фанлар институти билан доимий алоқада бўлиб, мунтазам равишда маданий-маърифий тадбирлар уюштирган [19].

Томонлар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб, мустаҳкамланиб боришида ҳукумат ва давлат раҳбарларининг расмий ташрифлари алоҳида аҳамиятга эга.

Франция Ташқи ишлар вазيري Пер Жексоннинг 1991-йил 16-сентябрдаги мамлакатга ташрифи Франция билан муносабатлар ўрнатилишининг бошланиши эди. Ташрифда икки томонлама алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилиб, томонларнинг ҳамкорлик ришталарини ўрнатишга тайёр эканлиги билдирилди. Ушбу расмий ташриф Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган дастлабки кунларида бўлганлиги Франциянинг мамлакатга қизиқиши юқорилигидан далолат беради. Француз томонининг қизиқишларини инобатга олиб ва миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда 1993 йил 18-30 октябрда Ўзбекистон делегацияси расмий ташриф билан Франция Республикасида бўлди. Президент И.А.Каримов Франция президенти Франсуа Миттеран, ҳукумат аъзолари ва жамоатчилик вакиллари билан олиб борилган музокаралари натижасида давлатлараро шартномалар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий банки билан Франциянинг “Креди комерсиал де франс” банки ўртасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини сармоя билан таъминлаш кўзда тутилган махсус битимлар тузилди. Бу завод 1997 йилнинг мартада ишга туширилган бўлиб, заводнинг ишга туширилишида Франциянинг “Текнип”, “Париба” банклари ва “Кофас” суғурта жамиятлари ҳам иштирок этди [20].

1994 йил 25-27 апрелда Франция Президенти Франсуа Миттеран ва бир неча




тадбиркорлар Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф чоғида икки мамлакат Ташқи ишлари вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон ва Франция ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақида битимлар, шунингдек, ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида декларатциялар имзоланди.

Франция Президенти 26 апрелда “Халқлар дўстлиги” саройида бўлиб ўтган оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик юзасидан қуйидагича фикр билдирди: “Ўзбекистондаги барқарор вазият, ислохотлар йўлидаги садоқати, Францияликлар диққатини жалб қилиб келмоқда. Ўзаро муносабатлар тобора кенгайиб ва ривожланиб бормоқда... Макс ад иқтисодий, маданий ҳамкорликни янада кенгайтиришдир. Бу борада аниқ режалар ва таклифларни ўртага ташладик”, - деб қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳаларда икки давлат ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантиришни таклиф қилди.

Франция Президенти ташриф чоғида расмий делегациянинг Темур ва темурийлар даври маданияти ва санъати тарихига қизиқиши юқорилиги сабабли Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари: Ичан Қалъа меъморий обидаси, Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мақбараси, Улуғбек расадхонаси ва бошқа зиёратгоҳларни томоша қилди [21].

Франция Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи Ўзбекистон ва Франция *ўртасида* ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлади. Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги расмий ҳужжатлар давлатлараро алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Шунингдек, ўзбек ва Европанинг франкофон давлатлари халқларининг яқинлигини таъминлади.

Ўзбекистоннинг халқаро фаолиятини ўрганиш борасидаги тарихшуносликда хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари алоҳида йўналишни ташкил этади. Уларга мурожаат қилиш орқали жаҳон тарих фанининг назарий методологик ютуқларидан фойдаланиш, хорижлик ва ўзбекистонлик олимларнинг ёш ўзбек давлатининг дунё ҳамжамиятига интеграциялашув масалалари бўйича концептуал ёндашувига баҳо беришини қиёсласак бўлади. Ушбу адабиётлар, асосан, ташқи сиёсат ва халқаро алоқалар назариясига оид илмий ишлардан иборат бўлиб, улар жаҳоннинг етакчи назарийчиларининг ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар назариясини акс эттиргани ҳолда асосий эътибор халқаро муносабатлар фалсафасини англашга қаратилган. Шунингдек, бир қанча тадқиқотларда собиқ совет маконида вужудга келаётган давлатлараро сиёсий-иқтисодий муносабатлар ёритиб берилган бўлиб, уларда Ўрта Осиё давлатларининг мустақиллик йилларидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёти комплекс тарзда тадқиқ қилинган. Масалан, С.Пейруз Ўрта Осиё давлатларида мустақилликдан кейин ўн беш йил давомида амалга оширилган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, урбанизация жараёни ҳамда ташқи сиёсатни қиёсий таҳлил қилган. Тадқиқотлар орасида француз тадқиқотчиси Ирен Каменканинг ишлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари, Ўрта Осиё давлатлари билан алоқалари, иқтисод, қишлоқ хўжалиги, саноат соҳасидаги ислохотлар ва аҳолининг ижтимоий ҳолатидаги ўзгаришларни статистик маълумотлар ёрдамида



таҳлил қилганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, бу тадқиқотларда Ўзбекистон-Франция иқтисодий алоқалари кенг ёритиб берилган. Адабиётлар орасида Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институтининг “Сахиерс д’Асие Сентрале” (Марказий Осиё дафтарлари) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳар бир сони маълум фан соҳаларига, халқларнинг ижтимоий ҳаёти, тарихига бағишланган. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотлар ҳудуддаги воқеалар ривожини қиёсий таҳлил қилиш ва минтақадаги воқеа-ҳодисаларга четдан назар солиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши халқаро майдонда тан олиншини таъминлади ва истиқболнинг илк кунларидан бошлаб жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш йўлидан борди.

Тарихан қисқа вақт давомида халқаро иқтисодий, сиёсий масалаларни ҳал қилишда, шунингдек, маданий алоқалар майдонида фаол қатнашаётган нуфузли давлат даражасига айланди.

Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган маданий соҳадаги давлат сиёсати ва Ўзбекистон Республикасининг Европа давлатлари билан маданий алоқаларининг ривожланиши, уни халқаро маданий алоқалар интеграциялашувида ташқи сиёсий фаолиятида дунёнинг бошқа мамлакатлари орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга олиб келди. Шу билан бирга халқаро маданий интеграциялашув жараёнларининг таркибий қисмига айланишига, ўз навбатида мамлакатнинг бой маданий салоҳиятга эга эканлиги, миллий маданиятнинг умуминсоний қадриятларга мос тушиши сабабли бутун дунёда қабул қилинишига асос бўлди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Шарапова С.Ш. Внешняя политика Республики Узбекистан: культурно-исторический и социальный факторы. – Тошкент: Адолат, 2000; Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республика Узбекистана со странами Европы. – Тошкент: Чулпон, 2002; Гуломов Х.Г. Холлиев А.Г. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританией и США (1991–2001 гг). – Тошкент: Университет, 2002; Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари – Тошкент: Академия, 2004; Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004; Азимова Д. Усмонов С. Принцип нейтралитета Швейцарии и его актуальность в современных политических процессах. – Ташкент: УМЭД, 2005; Алимбаев М. Ўзбекистон – Испания иқтисодий муносабатлар ва туризм. – Т.: Академия, 2007.

2. Пўлатова С.А. Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалари ва уларнинг Республика барқарорлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти: т.ф.н. дисс. – Т.: ТошДУ, 1994.-119 бет; Шарапова С.Ш. Основные проблемы становления и развития внешней политики Республики Узбекистан: Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Т.: АГОСПРУз, 1997.-АР 27 с.; Ўша муаллиф. Многосторонняя